



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 24 - iyun

VI-52-89-11-161-K/22

O'zbekiston tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 7 июнь кунги КҚ-360-IV-сонли қарори ижроси ҳамда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунлари тўғрисида

Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг 2022 йил 25 мартдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги VI-48-39-11-161-K/22-сонли қарорига асосан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси ташкил этилди.

Туман комиссияси томонидан сайлов жараёнинг барча босқичларида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар самарали тарзда мувофиқлаштириб борилди.

Сайлов жараёнларини самарали ташкил этиш ва фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 79 та ишчи гуруҳ тузилиб, ҳар бир фуқаролар йиғинида сайловни намунали ташкил этиш ва ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сайлов жараёнлари ҳақида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш ва амалга оширилган ишларни кенг ёритиш мақсадида туман комиссияси ва туман ҳокимлиги ахборот хизматлари томонидан бир қанча материаллар жойлаштирилди.

Бундан ташқари, сайлов жараёнида қонунийликни тўлиқ таъминлаш мақсадида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид 200 дан зиёд материаллар жойларга ўз вақтида етказиб берилди.

Кўмаклашувчи комиссиянинг жойлардаги тарғиботларидан сўнг мавжуд 79 маҳалла фуқаролар йиғини сайловини ўтказиш бўйича 711 нафар аъзолардан

иборат комиссиялар аҳоли вакиллари томонидан сайланди.

Ушбу сайланган комиссия раисларига туман ҳокимлиги, Адлия бўлими ва туман сайловга кўмаклашувчи комиссия аъзолари томонидан ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилиб, керакли вазифалар белгиланиб услубий қўлланмалар билан таъминланди.

Ушбу кунга қадар тумандаги 79 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги сайловга кўмаклашувчи комиссия раислари ва аъзолари ҳар бир маҳаллаларда кўчалар кесимида аҳоли билан йиғилишлар ўтказиб, “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига аҳолининг сайловчи сонига нисбаттан 12% дан кам бўлмаган “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида иштирок этадиган 19462 нафар вакиллар рўйхати тўлиқ шакллантирилди.

Шу билан бирга “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига пухта таёргарлик кўрилиб, 79 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ишчи гуруҳлар томонидан кўрсатилган 237 нафар номзодлардан муносиб деб топилган фуқаролар ўзлари муносиб деб топган 79 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раислари сайланди. Улардан 74 нафари (93,8%) ни олий маълумотга эга бўлган, 5 нафарини (6,2%) ўрта-маҳсус маълумотга эга.

Шунингдек янги сайланган маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 76 нафарини (96,3%) эркаклар, 3 нафарини (3,7%) аёллар ташкил этди.

Жорий йилда ўтказилган сайловлар натижасида 38 та Маҳалла фуқаролар йиғинида амалдаги раислар янги муддатга сайланган бўлсалар 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида мутлақо янги номзодлар ғалаба қозонишди.

Маҳалла институтининг фаолиятини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни кучайтириш мақсадида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси (бундан буён матнда - туман комиссияси деб юритилади) раиси Н.Эшматовнинг 2022 йил май ойида туманда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови яқунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман комиссияси (Н.Эшматов):

3 кун муддатда сайлов яқунларини таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, шу жумладан маҳаллалар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича вилоят комиссиясига таклифлар киритсин;

3. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Б.Отақулов):

бир ҳафта муддатда сайлов яқунларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда 79 та маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳаллалар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича иш режалар ишлаб чиқсин;

4. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси:

бир ҳафта муддатда фуқаролар йиғини кенгашларини шакллантириш, фуқаролар йиғинлари раисларининг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссиялар сайланишини таъминласин;

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Жабборов), туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Б.Отақулов) билан биргаликда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини амалга оширсин ҳамда вилоятдаги телеканаллар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали жараёнларни кенг ёритиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича” доимий комиссияси раиси У.Каримов зиммасига юклансин.

7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев